

IQTISODIY TADQIQOTLAR  
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,  
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

1  
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT  
UNIVERSITETI**

**“IQTISODIYOT” FAKULTETI**

**IQTISODIY TADQIQOTLAR  
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,  
“ECONOMIC RESEARCH”)**

**ILMIY JURNALI**

**1**  

---

**2021**

**Toshkent**

1  
2021

Elektron ilmiy jurnal  
Научный журнал  
Scientific magazine

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY  
JURNALI**

**MUASSIS**

Toshkent davlat iqtisodiyot  
universiteti

**Tahrir kengashi raisi:**

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,  
akademik

**Tahrir kengashi:**

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor  
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor  
Xudoyqulov Sadreddin Karimovich – i.f.d., professor  
Begalov Baxodir Abdusalovich- i.f.d., professor  
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor  
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor  
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor  
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor  
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor  
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor  
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor  
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD  
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent  
Asqarova Mavluda Turopovna- i.f.n., dosent  
Xajiiev Baxtiyor Dushaboyevich- i.f.n., dosent  
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent  
Kamalova Malika Nizamovna- i.f.n., dosent  
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

**Tahrir hay'ati:**

Begzod O'rinnov- (AQSh)  
Uktam Burhanov – (Chekiya)  
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)  
Mark Rozenbaum (AQSh)  
Wolfgang Lukas (Germaniya)  
N.V. Morozov (Rossiya)  
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)  
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)  
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)  
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)  
Sherqul Shodmonov (Toshkent)  
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)  
Axmedjon Mamatov (Toshkent)  
Ju Jengron (Xitoy)  
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY  
JURNALI**

**1  
2021**

**Elektron ilmiy jurnal  
Научный журнал  
Scientific magazine**

**Bosh muharrir:**

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

**Adabiy muharrir**

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

**Bosh muharrir o'rbinbosari**

Amirov L.F. - PhD

**Musahhih:**

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydala-nilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

**Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>**

**E-mail: [economicresearchjournal@gmail.com](mailto:economicresearchjournal@gmail.com)**

## MUNDARIJA

### **IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT**

Xajiyev B.D.	Milliy iqtisodiyotda daromadlar taqsimoti adolatlilagini ta'minlashning konseptual asoslari	5
--------------	---	---

Mamatov A.A. Erkayev A.N.	O'zbekiston iqtisodiyotini transformasiyalashuvi jarayonida investision mexanizmning roli	13
------------------------------	---	----

### **BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV**

Maxmudov N.	Innovatsion faoliyatning asosi – intelektual salohiyat	24
Amirov L.F.	O'zbekistonda qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish muammolari	33

### **INSON RESURSLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIY SIYOSAT VA BANDLIK**

Goyipnazarov S.B., Saidov N.R., Yuldashev S.	Human capital and methodological aspect of calculating it: a global approach	45
Irmatova A.B., Isamuxamedov B.B.	O'zbekistonda kambag'allik holatining tahlili	57
Qosimov A.A.	Mehnat bozorining rivojlantirish va aholi bandligini ta'minlash yo'llari	72

### **TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH**

Salimov B.T., Salimov B.B.	Kichik va o'rta biznesni innovasion rivojlantirish	81
Yusupov M.S., Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash tizimini rivojlantirish mexanizmlari	86
Salimov Sh.B.	Kichik va o'rta biznesda innovasion faoliyatni rivojlantirish	103

### **TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH**

#### **YULLARI, MUAMMOLAR, TAXLIL VA NATIJA**

Muhiddinova M.S.	Muqimiy ijodining yetakchi xususiyatlari	109
Kamalova M.N.	Модернизация системы языковой подготовки студентов неязыковых вузов Узбекистана	124
Xolmatova Sh.M.	Профессиональная компетенция в процессе преподавания русского языка как иностранного	131

## **МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Қосимов Азамат Абдукаримович**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, PhD,

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши, унинг ҳолати баён қилинган. Пандемия чекловлари сабабли юзага келган ишсизлик ва уни бартараф этиш ҳамда вазиятни юмшатиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Шунингдек, меҳнат бозорининг барқарорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ёритилган. Халқаро тажрибалар ўрганилиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш борасидаги муаммолар кўрсатилган ва уларни бартараф этиш йўналишлари таклиф этилган.

**Таянч сўзлар:** меҳнат, меҳнат бозори, ишсизлик, аҳоли бандлиги, демографик омиллар, демографик ўзгаришлар.

**Annotation.** This article describes the formation and development of the labor market in our country, its state. Unemployment caused by the pandemic restrictions and the measures taken to eliminate it and mitigate the situation were analyzed. It also covers the ongoing reforms to ensure the stability of the labor market. International experience was studied, the problems of employment were identified and directions for their solution were suggested.

**Keywords:** labor market, unemployment, employment, demographic factors, demographic changes.

### **Кириш**

Бугунги пандемия ва ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг таҳликали шароитида дунёning кўплаб мамлакатлари қаторида мамлакатимизда ҳам аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилаш долзабр масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

2020 йилдаги пандемияга қарши кўрилган чеклов ва бошқа чоралар натижасида мужудгв келган иқтисодий танглик (турғунлик, инқироз)ни юмшатиш мақсадида хукумат томонидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, инқирозга қарши курашиб жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Шунингдек, 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан ортиқ фуқаролар учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм кўшимича маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса ўзини ўзи банд қилиш механизмини кенг жорий этиш ва унинг ривожланишини қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотлар амалга оширилмоқда, қонунчилик базаси

такомиллаштирилмоқда. Жумладан, аҳоли бандлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2020 йилнинг 20 октябрида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сонли қонуни қабул қилинди [1].

Ушбу ҳужжат билан аҳолини иш билан таъминлашга оид қатор масалалар Қонун даражасида белгиланди. Жумладан:

- аҳоли бандлигини рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидия, грант ва кредитлар ажратиш;
- ҳар йили иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюортмасини шакллантириш;
- маҳаллий меҳнат органлари томонидан иш қидираётган ва ишсиз шахсларга кўрсатиладиган хизматлар турлари;
- иш қидираёган шахсларни маҳаллий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби;
- “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини юритиш;
- меҳнат стажини электрон тарзда ҳисобга олиш.

Буларнинг барчаси аҳоли сони тобора ортиб бораётган Ўзбекистонда меҳнат бозорини шакллантириш, ривожлантириш, тартибга солиш, иш топиш ва ўзини ўзи банд қилиш жараёнларини соддалаштириш ҳамда уларни қўллаб-куватлашга қаратилган ислоҳотларнинг бошланиши десак, муболага бўлмайди.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили**

Умуман олганда, меҳнат бозорининг иқтисодий функцияси - бу меҳнатни оқилона жалб қилиш, тақсимлаш, тартибга солиш ва ундан фойдаланишдан иборатdir [2].

Меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифга аҳоли сони, унинг жинс ва ёш бўйича таркиби, туғилиш даражаси, яъни демографик омиллар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, демографик омилларнинг иш билан бандликка таъсирининг бир неча омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин [3]:

биринчидан, аҳолининг ўсиши турмуш кечириш учун янги худудларни излашга мажбур қиласи;

иккинчидан, аҳолининг зичлигига боғлиқ равишда табиатга турли демографик босим қузатилади: ишлаб чиқаришга табиий ресурсларни жалб этиш ва уларни истеъмол қилиш кўпаяди, атроф муҳит ифлослантирилади.

Демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди. XXI аср бошида жаҳондаги демографик хусусиятларнинг энг асосийси – туғилишнинг камайиши ва аҳолининг қаришидир. Бу, айниқса, саноати ривожланган давлатларда яққол кўзга ташланмоқда. Умуман, бутун дунёда аҳоли тез қарияпти ва бу соғлиқни сақлаш ва пенсия органлари, шунингдек, давлатнинг ижтимоий соҳа учун харажатларига жиддий таъсир кўрсатмоқда [4].

Бундан ташқари, меҳнат бозорига таъсир қилувчи қуйидаги омилларни ҳам келтириб этиш лозим [5]:

- миллий иқтисодиётнинг умумий ҳолати;
- иш ҳақининг ўсиши;
- айрим касблар учун устуворлик ёки аксинча, ҳар қандай касб обрўсининг пасайиши;
- мамлакатдаги демографик вазиятнинг ўзгариши;
- аҳолининг бўш вақтларини ўтказиш соҳасидаги ўзгаришлар.

Меҳнат бозори инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шарт-шароити, воситаси бўлиб, унинг субъектлари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи меҳнат бозори ахборот тизимини шакллантириш ҳисобланади [6]. Шу боис, ахборот максимал даражада ҳаққоний ҳамда меҳнат бозорида тадқиқотлар ўтказиш учун етарлича тўлиқ бўлиши, унда содир бўлаётган жараёнларни жамланган ҳолда акс эттириши, у нафақат ишчи кучи бозорининг ахволини таърифлаши, балки тадқиқ этилаётган жараёнларни прогнозлаш учун замин бўлиб, меҳнат бозори соҳасидаги ахволни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида содир бўладиган ўзгаришларни мустаҳкамлаши лозим [7].

Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши унинг тизимидағи барча аҳолини иш билан бандликка кўмаклашувчи тузилмалар фаолиятларининг самарадорлигига боғлиқдир [8].

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил, мантиқий фикрлаш каби усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг ушбу мавзуга оид чоп этилган илмий ишларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий статистика маълумотларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ишсизликнинг энг юқори кўрсаткичи қайт этилган пандимия даврида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини сақлаб қолиш ва ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилди [9]. Жумладан:

коронавирус инфекцияси билан заарланиши ёки заарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртacha ойлик иш ҳақининг 100 фоизи микдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланиши белгиланди;

коронавирус инфекцияси билан заарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланди;

давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари (1,04 млн. нафар) ходимларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилиши таъминланиши белгиланди;

бундан ташқари, ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам микдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилди;


аҳолига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги хужжатларни тақдим этишининг соддалаштирилган тизими жорий этилди;

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларнинг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқувчиларининг ота-оналарига (улар ўрнини босувчи шахсларга, васийларга, ҳомийларга) йиллик таътилдан фойдаланиш графигидан қатъи назар, (шу жумладан, 6 ойдан кам ишлаганларга) йиллик таътил тақдим этилди;

иш берувчилар ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкинлиги белгиланди;

тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз микдорида ҳар қунлик қўшимча тўловлар жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида 2021 йилнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди (Figure 1).



**Figure 1. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усуллар<sup>33</sup>**

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони қарийб 19,2 млн. нафарни ташкил этади. Бу жами аҳолининг 55,9 фоизига teng. Меҳнат ресурсларининг 8,7 млн. нафарини ёки 45,3 фоизини 16-29 ёшдаги аҳоли ташкил этади. Агар мамлакатда ишсизлик даражаси жами меҳнат ресурсларига нисбатан 10,5 фоизни ташкил этса, бунинг катта қисми айнан ёшлар хиссасига тўғри келади.

Дарҳақиқат, ёшларни иш билан таъминлашда уларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари ва ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ривожланишии энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қиласиди. Шу боис, ҳукумат томонидан ёшларни иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорида рақобатбардошли қилиб тайёрлашга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, республикамизда 230 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, моҳир хунармандлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг сафи янада кенгайиши учун давлат томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Биргина “Ёшлар-келажагимиз” дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 8 мингтага яқин бизнес лойиҳасига 1 триллион 630 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди, натижада 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнда “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарори қабул қилинди.


Мазкур қарор билан “Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари” рўйхати тасдиқланди. Бу руйхатга жами 68 турдаги иш ва хизматлар киритилган бўлиб, уларга бир қатор қулайликлар ва имтиёзлар берилди ҳамда уларнинг фаолиятини масофадан туриб рўйхатга олиш учун мобил илова ишлаб чиқилди. Жумладан, аввал ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан 1 йиллик стаж учун 1 млн. сўм тўланган бўлса, энди 2020 йил учун атиги 111,5 минг сўм тўлов тўланди ҳамда 1 йиллик меҳнат стажига эга бўлинди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси тадбиркорлик миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда, уни барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда ўта муҳим рол ўйнашидан, ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбайи эканлигидан яққол далолат беради. Ўзбекистон учун хусусий тадбиркорликнинг меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ёки ўзини ўзи банд қилиш, унинг даромадини ошишидаги аҳамияти, айниқса, муҳимдир.

<sup>33</sup> Президентнинг мурожаатномаси: 2021 йилнинг устувор йўналишлари. –Т.: “Тараққиёт стратегияси”, 2020. – 7-8 б.

Шу ўринда, меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишида Европа мамлакатларининг тажрибалари ҳақида гапирганда, хусусан Дания меҳнат бозори сиёсатини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1994 йилдан бошлаб, Данияда меҳнат бозори сиёсати меҳнат бозорининг фаол дастурларига янада фаолроқ ва мослашувчан ёндашувни, шунингдек ишсизликка қарши курашни бошқа мақсадларнинг бажарилиши билан таътил схемалари ва иш жойларини алмасиш орқали бирлаштириш концепциясини ўз ичига олган ҳолда қайта кўриб чиқилган. Дания моделидаги муваффақиятнинг бир қисмини иш муносабатларининг эгилувчанлиги (ишчи кучи ва иш айланмасининг юқори даражаси), ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий таъминланиши (ишсизлик бўйича нафақанинг сахий тизими билан тасвирланган) ўзига хос комбинацияси билан боғлаш мумкин. Шунингдек, меҳнат бозорининг янги фаоллаштириш сиёсати (ишсизларнинг малакасини оширади ва шу тариқа иқтисодиётнинг ўзгаришини қўллаб-қувватлади) - Дания “Олтин учбурчаги” нинг уч бурчагини ташкил этувчи элементлардан иборат [10] (2-расм).



**2-расм. Дания “Олтин учбурчаги”**

Албатта, меҳнат бозорининг барқарорлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бу мамлакатда фаол меҳнат бозори сиёсати юритишидир. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибаларига кўра, ишсизлик сугуртаси тизимини ташкил этиш ҳам бир томондан ишчини ишлаган давридаги улиши ҳисобидан ишсиз қолган вақтида молиялаштиришнинг яхши усули ҳисобланади. Аммо, бунда меҳнат бозорида ҳам кўплаб иш ўринларини яратиш, компенсациялар миқдорини ошириш ва уни тўлаш тизимини такомиллаштириш асосида мослашувчан меҳнат бозорини шакллантириш лозим бўлади.

### Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Тадқиқотдан келиб чиқиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатда меҳнат бозори шаклланиши, унинг мослашувчанлигини ошириш ва янада ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, соҳадаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ечиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Лекин, бу етарли даражада эмас, балки, соҳада бир қатор муаммолар мавжуд:

рақамли иқтисодиёт шароитида янги касбларга тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш лозим;


уюшмаган ёшлар, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли ва ишсизларни бир марталик ёки вақтинчалик иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш муаммолари ечимлари фақат назарияда мавжуд, амалда эса бунга етарли даражада эътибор қаратилмайди;

ўрта ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ишсизларни қисқа муддатларда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган анъанавий ва замонавий ишчи касбларга қайта тайёрлаш тизими талаб даражасида эмас;

аҳолининг норасмий иш билан бандлигини камайтиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш ўрнига буйрократик ва молиявий чоралар билан курашишга асосланган;

меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизмини тадқиқ этиш лозим ва бошқалар.

Меҳнат бозоридаги ҳолатни яхшилаш ва ишсизликни камайтириш борасида ҳамда юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш механизмини таклиф этамиз (3-расм).



### **3-расм. Аҳоли бандлигини таъминлашни такомиллаштириш механизми<sup>34</sup>**

Ушбу механизм аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнини такомиллаштиришда демографик ўзгаришларни ҳисобга олиш асосида янги иш ўринларини кўпайтиришни, ишга жойлаштириш ва касбий қайта тайёрлаш бўйича сифатли хизматлар кўрсатишни, қонун хужжатлари ва меҳнат муносабатлари механизmlарини такомиллаштиришни, бўш иш жойлари бўйича ахборотларнинг электрон шакллантириш ва уни ҳаққоний юритилишини таъминлашни ҳамда ўзини ўзи банд қилишни янада қўллаб-қувватлашни тадбиқ этишга қаратилган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Меҳнат бозорини шакллантириш, уни янада ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини барқарорлаштиришни таъминлашда қуидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим:

<sup>34</sup> Муаллифлар ишланмаси.

аҳоли жойлашуви асосида ҳар бир ҳудуд хусусиятларини аниқлаш ва ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг устуворлигини таъминлаш;

демографик ўзгаришларга паралел равишда иш ўринларини яратиш, айниқса ўрта ва ўрта маҳсус маълумотли аҳоли учун иш ўринларини қўпайтириш лозим;

тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва чет эл инвестерларига янада кенг имкониятлар яратиш асосида қўшимча иш ўринларини қўпайтириш талабини кўчайтиришга эътироб қаратиш зарур;

мехнат бозорида талаб юқори бўлган анъанавий ва замонавий касбларга қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозим;

иш билан бандликнинг ностандарт шаклларини тадбиқ этиш керак;

рақамли иқтисодиёт шароитида аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастурларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарур;

мехнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишининг самарали механизмини тадбиқ этиш керак;

ищсизлик суғуртаси тизимини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат бозорини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ҳамда унинг ҳаёти фаровонлигининг доимий яхшиланишини таъминлаш, турли қатламларнинг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, инсонларга муносаб турмуш шароитларини яратиш ҳисобланади. Шунингдек, фаол меҳнат бозори сиёсати - соҳадаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аввало, ушбу ўзгаришлар марказида турган инсон, унинг шахси ва камолотига қаратилган. Шу боис, фуқаролар фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш, президентимиз илгари сурган “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш учун” деган тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон Қонуни. 20.10.2020 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Korzhova D.A. Features of the formation of the labor market // "First independent scientific bulletin", Vol.-1. 2015 – 89 p.

3. Yakovets Yu.V. Globalization and interaction of civilizations. - M.: Economics. 2003, – 90 p.

4. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда бандлик. Монография. -Т .: ТДИУ, 2013. - 47 б.

5. Стыцюк Р.Ю. Методологические подходы к повышению уровня конкурентоспособности российских организаций на национальном и глобальном рынках // Российское предпринимательство. Том 22. 2014 - 183-191 с.

6. Арабов Н.У. Мехнат бозори инфратузилмасининг самарадорлиги ва прогнозини ошириш учун таҳлилий ва ахборот базасини такомиллаштириш //

"Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 2017, 5 - жилд. - 2 б.

7. Умарова М.А. Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорини статистик прогнозлашнинг услубий асослари. -Т.: Инновацион ривожланиш нашриёти. 2019. - 22 б.

8. Холмоминов Ш.Р. ва бошқ. Меҳнат бозорининг ривожланишини таҳлил қилиш. Монография. - Т.: "Фан ва технология". 2016. - 24 б.

9. Юнусов Ф. СОВИД-19 пандемияси ва глобал иқтисодий инқирозга қарши кураш: Ўзбекистон стратегияси. - Т.: "Ривожланиш стратегияси". 2020. - 7-8 б.

10. Madsen P.K. "Flexicurity through labour market policies and institutions in Denmark" in P. Auer and S. Cazes (eds.), Employment Stability in an age of flexibility; Evidence from industrialized countries, ILO: Geneva. – 2003.

11. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

12. [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz)